

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ (ИНФОРМАТИКА ДАРСЛАРИДА)

Ш.О. Холмуродов

Термиз давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада информатика дарсларида ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш диалектика қонунларига таянган ҳолда ўз олдида қўйилган масалаларини тўғри ҳал қила олишлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: диалектика, қонуният, ҳамкорлик, тафаккур, фикр, мантик, ҳодиса, жараён, хотира, фаолият, руҳият, қараш, алоқа, ҳақиқат, қонун, қоида, далил, муаммо.

Ўқувчиларда тафаккур ўстириш, фикрнинг мантиқий ривожланишини шакллантириш, улар онгига миллий ғояни сингдириш учун информатика ўқитишининг замонавий технологияларини жорий этиш, дарс мазмунига фалсафий методологияни сингдириш лозим.

Маълумки, инсон тафаккур орқали ҳар нарсани билади, ўрганади, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни англаб етади. Ана шу англаб этиш руҳиятини сингдириш учун ўқитувчилар дарсда хотира жараёнлари билангина кифояланмасдан, балки ўқувчиларни ўйланишга, ўйлантиришга, ниманидир янгидан яратишга ўргатишлари зарур. Чунки Янги Ўзбекистонда креатив тафаккур, умумназарий, фалсафий тафаккур ривожлантирилмоқда. Бугун ўқувчилар қандай тафаккурга эгаллиги, яшаши ва амалий фаолиятлари қайси тамойилларга, мақсадларга бўйсундирилганлигини билиш зарур. Билишгина эмас, балки ана шу тафаккурни ўзгартириш, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш, фалсафий қонуниятларни, айниқса, ҳозирги информатика дарсларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўқувчилар тафаккурининг воқеланиши улар нутқининг ривожланиши билан боғлиқ. Шу боис тил тафаккурининг моддийлашуви дейилади. Тафаккури ривожланган ўқувчи фикрини изчил баён этади, маълум масала бўйича кенг мушоҳада қилади, тўғри ҳукм чиқаради, шароитга кўра, ўз қарашларини баён қилади, асосли равишда баҳсга киришади. Ана шу мақсадга эришиш учун информатика фанини фалсафа фани билан боғлаб ўқитиш эътиборга лойиқ.

Арасту “Метафизика” асарида бир неча жуфт категориялар, яъни зарурият ва тасодиф, бутун ва бўлак, яққалик ва умумийлик категорияларининг моҳияти, уларнинг ўзаро алоқвадорлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган. Унинг диалектикаси асосида инсоннинг ҳақиқатга эришишида фикрлаш жараёни ётади. Шунинг учун ҳам диалектика борлик ва тафаккурнинг ҳақиқий асосини аниқлаш билан боғлиқ [6; 132-б.]. жумладан, диалектика информатикани ўқитишда жуда зарур ва муҳим ўрин тутди. Баъзи ўқувчилардаги фикрлашнинг пойма-пойлиги мантиқий тўғри фикр юритишни билмаганлигидан. Ҳар бир фанни ўқитишда фалсафа ва унинг бир бўлими бўлган мантиқ илмининг тўртта асосий қонун-қондасига риоя қилинмас экан, тафаккурни ривожлантириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, яъни айният қонуни – бирор нарса ҳақидаги фикр [6; 132-б.] тугамасдан бошқасига ўтиб кетмаслик; зиддиятсизлик қонунига биноан бир вақтнинг ўзида иккита зид фикрнинг бўлмаслиги; истисно қонуни бир вақтнинг ўзида иккита зид фикрдан бири ҳамиша рост бўлиб, иккинчиси ёлғон бўлиши; етарли асос қонуни далиллар асосида ўз фикрини исботлаш бўлиб, тўғри фикрлаш асосланганликни, исботлашни талаб қилади. юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, шуни айтишимиз жоизки, умумтаълим мактаби ўқувчиларининг тўғри фикрлашлари учун далиллаш, асослаш, зиддиятсизлик, истисно, айният қонунларини пухта билмоғи, шундан сўнггина тўғри фикр юрита олмоғи мумкин.

Демак, замонавий ўқувчидаги тафаккур – чуқур, илми асосланга, мустақил, мантиқий бўлмоғи лозим.

Тафаккурнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб беришнирнг йўл-йўриқларини педагог олима Э.З.Усмонова қуйидагича кўрсатган:

- 1) муаммонинг юзага келиши ва фикрий вазифанинг шаклланиши;
- 2) вазифа жавобини излаш ва уни топиш;
- 3) ушбу топилган жавобни субъектив янгиликнинг очилиши сифатида идрок этиш;
- 4) эришилган жавобнинг тўғрилигини исботлаш, уни бошқа кишига асослаб бериш, тушунтириш [2; 36-б.].

Ҳақиқатан ҳам, муаммонинг жавобини ҳамда жавобнинг асосини ахтариш тафаккур ривожланишига кенг имкониятлар яратиб беради.

Фалсафий категориялар бошқа фанларнинг тушунчаларидан ўзининг умумлашганлик, изчиллик, мувофиқлаштириш каби хусусиятларга эга эканлиги билан фарқ қилади. Демак, умумтаълим мактаби ўқувчиларида тафаккурни ривожлантирмоқчи бўлинса, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратмоқ зарур: ўқувчиларнинг тартиб билан гаплашишига, фикрларини умумлаштиришга,

асослай олишига, креативлиги, топқирлиги ва тезкорлигига эътибор бермоқ жоиз.

А.Чориев “Инсон фалсафаси” номли монографик асарида инсон муаммосини ўрганувчи тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари икки йирик кутбга бўйсундирилишини, биринчи кутб – инсоннинг табиий – ижтимоий моҳиятини ўрганувчи барча фанларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш зарур эканлигини таъкидлайди [3; 139 б.].

Унинг фикрича, фанлар ўртасидаги ҳамда нарса – ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни англаган ўқитувчи ўз дарсларини тўғри лойиҳалай олади. Онгида антициприк лаёқатлар ривожланган ўқитувчигина таълим жараёнида ўқувчилар тафаккурини ўстира олади. Оннинг антициприк лаёқатида унинг уч хил функцияси ажратилади: билиш (фаразлар қўйиш, келажакни кўра билиш), лойиҳалаш (фикран ҳисоб-китоб қилиш, лойиҳани олдин онгда, сўнгра амалиётда тайёрлаш), тасдиқлай билиш (мақсад, режа, дастур, концепцияларни амалга ошириш) [1; 136 б.].

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг тафаккурини ўстириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш информатика фанининг “жон томир”и.

Мустақил фикрлаш, бошқалар фикридан билиб-билмай андоза олиш эмас, балки кўрган, идрок этган, мушоҳада қилган нарса – ҳодисаларга онгли муносабат билдирган ҳолда, таҳлил қилиш тизимлаш, таснифлаш, улар ичидан ўзига тегишли томонларини олиб умумлаштириш ва таққослаш орқали ҳукм чиқариш, ўзнутқида буни айта олиш қобилияти.

Маълумки, умумтаълим мактабида ўқиш ўспиринлик даврига тўғри келади. Бу ёшда оламни билишга, фалсафий мушоҳадага, психологик таҳлилга, мантикий фикрлашга, тафаккур қирраларини ривожлантиришга иштиёқ ва ҳаракат кучли бўлади. Шу билан бирга, ўспиринларда фантазияга мойиллик ҳам мавжуд бўладики, мана шу физиологик – психологик ҳолат тафаккурни ривожлантириш, билишга интилиш учун омил ҳисобланади. Бу эса ўспириннинг психологик-педагогик имкониятлари бошқа ёшдаги ўқувчиларга нисбатан кўпроқ эканини, оламни билишга иштиёқ кучлироқлигини билдиради. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ўқувчининг шахс сифатида шаклланишида асосий босқич бўлиб хизмат қилади

Биз тадқиқот объекти сифатида танлаб олган умумтаълим мактаби ўқувчилари ўспиринлик ёшидаги илғор, билимдон, қизиқувчан, билимга интилувчи, ахлоқ – одоби шаклланган, мустақил креатив фикрловчи шахс бўлиб, улардаги ички эҳтиёж ўзининг имкониятлари даражасида амалга ошади.

Ўқувчи шахсининг ривожланишида ўсмирликдан ўспиринликка ўтиш ўзига хос хусусиятга эга. “Бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истаги

(ёқимли бўлиш)нинг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишнинг ўсиши билан тавсифланади” [4; 138 б.]. ўспириннинг энг муҳим хусусиятларидан бири мустақил фикр юритишга иштиёқнинг пайдо бўлиши. Негаки, бу ёшдаги ўқувчилар руҳиятида ўзини катта бўлиб қолгандай ҳис этиш ўзининг мустақил овози бор эканини исбот қилиш, ҳатто ўз тенгқурлари орасида ҳам устунлик таллашиши – лидерликка даво қилиш ҳолати пайдо бўлади. Физиологик жиҳатдан ҳам ўзгаришларнинг рўй бериши (овознинг дўриллаши, бўй чўзилиши, йигитлик ёки қизлик хусусиятлари ва ҳ.к.) ўспирин психологиясига таъсир этади. Шу боис бу даврда фақат назарий билим бермасдан, турли амалий вазиятларга муносабат билдиришни шакллантириш, кўпроқ изланиш, креатив ёндашув, тафаккур ривожига эътибор қаратиш лозим. Жаҳон таълим тизимида фалсафа, психология ҳар бир фан учун методологик асос саналади. Чунки барча фанлар назарий жиҳатдан фалсафий қонуниятларга асосланади. Шунингдек, илмий тафаккур ҳам инсон психологияси ва фалсафиц қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқ.

Шуни эътиборга олган ўзбек психолог олим Э. Ғозиев ўспиринларга дарс жараёнида ўзига хос равишда ёндашув зарур эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, ўқувчилар ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги, тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари ва уларни исботлашни ўрганишлари, фан ўқитувчилари уларни нарса ва ҳодисалар тўғрисида оригинал фикр юритишга йўналтиришлари, шунингдек, ўқувчиларнинг машғулотларда қўлланавериш, маънавий эскирган бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишларига йўл қўймасликлари; фан ўқитувчилари ўспиринларга билимларини амалиётга татбиқ қилишни ўргатишлари керак [5; 168 б.]. бунинг учун ўқувчиларда амалий малакаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўспирин тафаккурини ривожлантириш учун унга психологик жиҳатдан ёндашиш зарур.

Фалсафий тафаккур воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга хос бўлган барча алоқаларни, зиддиятларни, унинг тараққиёт қонуниятларини билиш, ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Борлиқни англаш – тафаккур шакллари орқали вужудга келади. Ҳар бир ўқувчи ўз амалий фаолиятида фикрлашнинг мазмун-моҳияти, унинг ранг-баранглиги, кўп қиррали хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга онгли равишда амал қилишлари лозим.

Реал борлиқни англаш таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигини ўргатишдан иборат. Ўқувчининг фикри кенг ва атрофлича бўлиши учун ўқитувчи таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлик томонини ўқувчиларга англатиши лозим. Билим олувчи ана шуни тушуниб етсагина ўз куч-ғайратини билимларни қизиқиб ўрганишга сарфлай олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ибрагимов Р. Проблемный подход обучения младших школьников. Автореф. канд. дисс. – Т., 1985. – 16 с.
2. Усманова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? – Т.: Педагогика ва психология илмий-оммабоп нашри, 2000. – Б. 36.
3. Чориев А. инсон фалсафаси. -Т.: Chinor ENK, 2002. -139 б.
4. Фридман Л.М., Кулагина И.Ю. Психологический справочник учителя. – М.: «Просвещение», 1991. -288 с.
5. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1990. -Б. 167-168.
6. Ғарб фалсафаси. -Т.: “Шарқ”. -Б. 132.
7. Холмуродов Шухрат Окбоевич РОЛЬ ИННОВАЦИИ В ТЕХНОЛОГИИ ВОСПИТАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ И ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ИНФОРМАТИКИ // Вопросы науки и образования. 2021. №18 (143). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-innovatsii-v-tehnologii-vospitaniya-professionalnoy-i-tvorcheskoy-deyatelnosti-buduschego-uchitelya-informatiki> (дата обращения: 20.05.2023).
8. Okboevich K. S. Mathcad system as a means of increasing the efficiency of physics //Archive of Conferences. – 2021. – С. 138-141.
9. Kholmurodov S. A., Kabilovich X. N. The State of Multimedia Software Today //Eurasian Journal of Media and Communications. – 2022. – Т. 12. – С. 10-14.
10. Kholmurodov S. A. Mechanisms for improving the professional and creative activity of a computer science teacher //Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 12. – №. 1. – С. 153-157.
11. Kholmurodov S. O. DIGITAL INFORMATION AS A MEANINGFUL ELEMENT OF DIGITAL INDUSTRY COMPONENTS //Thematics Journal of Business Management. – 2021. – Т. 10. – №. 7.
12. Kholmurodov S. O. IMPROVING THE STRUCTURE AND CONTENT OF THE COURSE THEORY AND METHODS OF TRAINING AND EDUCATION IN COMPUTER SCIENCE IN ACCORDANCE WITH THE STATE STANDARDS OF

EDUCATION OF UZBEKISTAN //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – C. 89-92.

13. Xolmurodov S. O. METHODOLOGICAL ASPECTS, CONTENT AND ORGANIZATIONAL FORMS OF TEACHING A COMPUTER SCIENCE COURSE AT HUMANITARIAN FACULTIES OF PEDAGOGICAL UNIVERSITIES //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – C. 239-241.

14. Shuxrat Okboevich Xolmurodov OSNOVA RAZVITIA OBshxESTVA PROTSSESY INFORMATIZASII OBRAZOVANIYA // Ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnova-razvitiya-obschestva-protsessy-informatizatsii-obrazovaniya> (ma'lumotlar manzili: 20.05.2023).

15. Xolmurodov Sh. O. SISTEMA INFORMATSIONNYX TEXNOLOGIY V OBRAZOVANII STUDENTOV INFORMATIKOV // Digital. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-informatsionnyh-tehnologiy-v-obrazovanii-studentov-informatikov> (ma'lumotlar manzili: 20.05.2023).